

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

150 (1970)

30 июль, 1960 йил, шанба

Баҳоси 20 тийин.

Китоб савдоси ходимларининг Бутуниттифоқ кенгашига

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети китоб савдоси ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши қатнашчиларини ва сизлар орқали аҳоли ўртасида китоб тарқатувчи ҳамма ходимларни қизғин таърифлади.

Бизнинг мамлакатимизда китоб савдоси умумпартиявий ва умумдавлат ишнинг аниқлаш тартибиди ҳисобидир. Бизда китоб совет халқининг турмушига чуқур сингиб кетган. Китоб совет кишиси маънавий ўсишининг ва юксак маданиятининг манбаларидан биридир, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг нуқратли воситасидир.

Китоб савдоси ходимлари зиммасига муҳим ва фазрли вазифа — совет кишиларига керакли ва фойдали китобларни ўз вақтида етказиб бериш вазифаси юлланган. Сизлар аҳоли кенг табақалари орасида китоб тарқатиш билан сиёсий, умумий, илмий техника ва

профессионал билимларни пропаганда қилишда Коммунистик партияга натта ёрдам кўрсатмоқдасиз. Китоб савдоси илгўр ходимларининг китобларни харидорларга етказиб беришининг янги формаларини жорий қилишдаги, шаҳар ва қишлоқда адабиёт тарқатишга жамоатчилигини кенг жалб этишдаги ташаббуси бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашга ва рағбатлантиришга арзийди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети китоб савдоси ходимларига уларнинг муҳим фаолиятида янгилик-янги катта муваффақиятлар тилайди ва улар совет китоб савдоси меҳнаткашларнинг ўсган маънавий эҳтиёжларига, совет кишиларининг маданиятини ва коммунистик онгини ҳар томонлама ўстиришдаги умумий вазифаларга жавоб бериш учун бундан буён ҳам қатъий нураш олиб борадилар, деб қатъий ишонч билдиради.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ.

Н. С. ХРУШЧЕВ Сталинград, Астрахань областлари ва Киев шаҳрида

В. Ульбрихт ва Я. Кадар истироҳат учун
Совет Иттифоқига келдилар

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев 21 июлда Сталинград шаҳрига келиб, бу ерда саноат корхоналарининг иши ва қишлоқ хўжалиги билан таниди. Н. С. Хрушчев КПСС Сталинград област комитетининг секретари И. К. Жегалин, област Совети ижроия комитетининг раиси И. С. Панькин билан бирга Сталинград трактор заводи бўли, ишчилар, конструкторлар ва корхона раҳбарлари билан суҳбатлашди. Директор В. А. Семенов ва бош инженер М. С. Сидельников коллективнинг ДТ-75 маркаси жадал ишлайдиган янги кучли тракторни яратиб соҳасидаги ишлари ҳақида сўзлаб бердилар. Улар бу машина синовдан муваффақиятли ўтказганини, жумладан, бу трактор мамлакатнинг дондор механизаторлари Мануковлари ва Гиталов ўртоқларининг бригадаларида синовдан ўтказилганини айтдилар.

Сталинград тракторознари ишлаб чиқариш процесларини автоматлаштириш ва механизациялаш соҳасида катта иш олиб бормоқдалар. Заводда Н. С. Хрушчевни техника янгиликларидан бири — формовий автомат билан таништирилди. Инженер А. И. Стукалов бошчилигида бир гуруҳа инженерлар яратган бу автомат қўйимда ишлаб чиқаришда янги кўп меҳнат талаб қилмаган процеслардан бирини механизациялаштириш ва меҳнат унумдорлигини 6—7 баравар оширди.

Н. С. Хрушчев Сталинград тракторознарига меҳнатда ва шахсий ҳаётида янгилик-янги катта муваффақиятлар тилади.

Н. С. Хрушчев «Волга-Дон» совхозида бўлиб, ғалла ўрми-йиғими бораётган далага чиқди. У, марказий усадьбада совхоз ишчилари билан суҳбатлашди. Совхоз директори В. И. Штепо хўжаликнинг иши ҳақида сўзлаб берди. Совхоз асосан, сабзавот ва сўт еттиштириди. 3.200 гектардан кўпроқ ер канал суви билан сугоришмоқда. Бу йил совхоз Сталинградга ва бошқа саноат марказларига 70.000 центнерга яқин сабзавот, кўп миқдорда сўт, гўшт ва бошқа маҳсулотлар беради.

Никита Сергеевич совхоз ишининг иқтисодий кўрсаткичлари билан қизиқди. Совхозда сабз, помидор ва бошқа сабзавотларнинг таннархи ҳали ҳам юқори бўлганини аниқлади. Ўртоқ Хрушчев сабзавотларнинг таннархини кескин суратда қаматириш ва уларни кўпроқ еттиштириш зарурлигига эътиборини жалб этди ҳамда бир қанча масахатлар берди.

Н. С. Хрушчев Сталинград шаҳрида уй-қўйлар ва маданий-маиший муассасалар қурилиши билан танишди.

Сталинград шаҳри ҳамда областнинг бошқа шаҳар ва қишлоқлари аҳолиси Н. С. Хрушчевни қизғин кутиб олдилар.

25 июлда Н. С. Хрушчев поездда жўнаб кетди ва ўша куни Астраханга етиб келди. Бу ерда у шаҳарни тамоша қилди, уй-жойлар ва мада-

ний-маиший муассасалар бинолари қурилишининг бориши билан қизиқди, балиқ урчиши иши ҳамда Волга дарёси дельтасидаги қайир ерларни ўзлаштиришнинг аҳоли билан таниди.

Совет Иттифоқида истироҳат қилаётган Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Валтер Ульбрихт ва Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Янош Кадар Н. С. Хрушчевнинг тақлифига биноан, 25 июлда Астраханга келдилар. Н. С. Хрушчев, В. Ульбрихт ва Я. Кадар КПСС област комитетининг секретари И. П. Ганенко, област ижроия комитетининг раиси П. С. Кузьмин ва Халқ хўжалиги кенгаши раиси В. В. Сутрин билан биргаликда тешовола ремонт заводида бориб кўридилар. Н. С. Хрушчев завод ишчилари ва инженер-техник ходимлари билан суҳбатлашди. Директор Ўртоқ Федоров меҳмонларга корхонанинг иши ҳақида сўзлаб берди. Сўнгра меҳмонлар Астрахонин тамоша қилдилар.

26 июлда Н. С. Хрушчев, Я. Кадар ва В. Ульбрихт област ташкилотларининг раҳбарлари билан биргаликда вертолётларга тушиб, Волга дарёси дельтасининг жанубий қисми (мадани қамшизорларни) кўздан кечирилди. Бу қамшизорлар 270 минг гектардан кўпроқ майдонни ташкил этади.

Волганинг қўйи этакларидаги ерлар ва қамшизорлар бизнинг катта хазинамиздир, — дейди Н. С. Хрушчев. — Мен бу жойларга келишни кўпдан бери ният қилиб юрган эдим. Дастлаб мен Волганинг дельтаси ҳақида манзарали кинокартина билан тамоша қилдим, адабиёт ўқи танишдим, андиқладим аса бу ерда катта бойлик — жуда кўп қамши запарлари, ажойиб қайир ерлари борлигини ўз кўзим билан кўриб қаноат ҳосил қилдим. Бу бойликлардан халқнинг бахт-саодати йўлида яхшироқ фойдаланиш керак.

Н. С. Хрушчев ва меҳмонлар қамшат зоти балиқчилари оловчи Волга — Каспий балиқчиларининг иши билан танишдилар. Вертолётлар дарёнинг жуда кўп кенг ва тор тоқмоқлари устидан учиб ўтди, бу тармоқлар орқали Волга дарёси Каспий денгизига оқиб боради. Вертолётлар Икряное районидagi Мумра посёлкаси ақинида ерга кўнади. Меҳмонлар катерга тушиб, дарёнинг янаги қирғоғидаги «Модежняя» тоняси (балиқ овлан жойи) балиқчилик бригадасига борадилар. Бу ерда Н. С. Хрушчев, В. Ульбрихт ва Я. Кадарни балиқчилар ўраб олди, қизғин суҳбат бошланди кетди. Балиқ комбинатининг бошқарувчиси Г. Р. Григорьян, тоняя бошлиги А. С. Смоланов ва қора икра тайёрлаш мастери А. Ф. Ростов меҳмонларга балиқчиларнинг иши ҳақида таърифлар бердилар, сўнгра уларни балиқчиликнинг ажойиб уҳаси (балиқ шўрваси) билан меҳмон қилдилар.

27 июлда Н. С. Хрушчев, В. Ульбрихт ва Я. Кадар вертолётларга

тушиб, Лиман районидagi Ленин номи колхозга келдилар. Вертолётлар қўнган далада юзлаб қолхозчилар тўланди. Н. С. Хрушчев, Я. Кадар ва В. Ульбрихт қолхозчилар билан суҳбатлашдилар, қолхознинг иши билан танишдилар. Сўнгра улар вертолётдан Волганинг ўнг қирғоғидаги қурғоқ даштарани — қўйлар учун яйлов сифатида фойдаланилаётган қора ерларни кўздан кечирилдилар.

Н. С. Хрушчев, В. Ульбрихт ва Я. Кадар област ташкилотларининг раҳбарлари билан бирга Астрахань целлюлоза-картон комбинатининг қурилиши билан танишдилар. Қурилишнинг бош инженери В. И. Протопопов, РСФСР Госплани раисининг ўринбасари Г. М. Орлов қурилишнинг бориши ҳақида сўзлаб бердилар. Улар бу комбинат ҳар йили тара учун ишлатиладиган 170 минг тонна картон ва қорғо, 5 миллион квадрат метр тоғли плита, 30 миллион донна картон яшчик ва 14 минг тонна озуқа ачиткиси ишлаб чиқаришини айтди. Бу маҳсулотнинг ҳаммаси Волга дарёсининг дельтасида ўсаётган қамшидан ишлаб чиқарилади. Волга дарёси дельтасидаги еттига районда қамши запарлари 2 миллион тоннадан ортиқдир. Бу комбинат тўла қуввати билан ишга туширилгандан кейин мамлакат йилгига 2 миллион 800 минг кубометр иморат боп ёғочни тежаб қолиш имкониятига эга бўлади. Комбинатнинг биринчи лавоаб қисми 1961 йилда ишга туширилиши лозим.

Астрахань шаҳрининг меҳнаткашлари, қолхозчи ва балиқчилар Н. С. Хрушчев, В. Ульбрихт ва Я. Кадар ўртоқларини қизғин таърифладилар.

27 июль кечқурун Н. С. Хрушчев Астрахань област ва шаҳар партия ҳамда совет ташкилотларининг раҳбарлари билан суҳбат ўтказди. У, ўз таассуротларини айтиб берди, област меҳнаткашларининг партия ва ҳукумат қарорларини бажаришда партия ташкилотининг раҳбарлигида эришган муваффақиятларини таъкидлади. Шу билан бирга у област ва шаҳар раҳбарларини уй-жой қурилишидаги, қайир ерларни ўзлаштиришдаги қамчиликлар учун танқид қилди ва Астрахань областидаги табиий бойликлардан яхшироқ фойдаланиш учун мелiorация-иригация ишлари олиб бориш ҳақида бир қанча мулоҳазаларни айтди.

28 июлда Н. С. Хрушчев, В. Ульбрихт ва Я. Кадар билан бирга Киев шаҳрига келди. Бу ердан улар дам олиш учун Крымга борадилар.

Киев аэродромида меҳмонларни Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. В. Подгорний, Украина ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Д. С. Коротченко, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Т. Кальченко ва республиканинг бошқа партия ва совет раҳбар ходимлари, Украина лойтахти жамоатчилигининг вакиллари кутиб олдилар. Киевнинг минглаб аҳолиси Н. С. Хрушчев, В. Ульбрихт ва Я. Кадар ўртоқларини самимий таърифлади. (ТАСС).



Суратда: Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида.

И. Глауберзон фотоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИДА

29 июль эрталаб соат 10 да республика Олий Советининг мажлислар залида Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессияси очилди.

Раис столи ёнида Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат Р. Ғ. Ғуломов ва унинг ўринбасарлари депутат С. В. Стародубов ва депутат У. Ибодуллаева ўтирибдилар.

Ҳукумат дозаларида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг бюроси аъзолари О. А. Алимов, Г. А. Габриелъян, Е. С. Насриддинова, З. Р. Раҳимов, Ш. Р. Рашидов, Ф. Р. Титов, И. И. Федюнинский, Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросининг аъзолари кандидатлар И. П. Бурмиров, Қ. М. Муртазоев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзолари, республика министрлари ўтирибдилар.

СССР Солиқини сақлаш ишчилиги С. В. Бурлаев сессия ишларида қатнашмоқда.

Сессияда Хиндустон қишлоқ хўжалик министри Дешмукх жамоабори бошчилигида Индустон қишлоқ хўжалик делегацияси ҳозир бўмоқда.

Олий Совет Мандат комиссиясининг раиси депутат М. Ғуломовнинг доклады бўйича, республика Олий Совети депутати қилиб 1960 йил 24 июлда 35-Гвардия сайлов округида сайланган Ф. Е. Титовнинг, 80-Нийобоши сайлов округида сайланган О. А. Алимовнинг ва 383-Питанка сайлов округида сайланган И. П. Бурмировнинг раёлатларини тўғри деб тоғди.

Сессиянинг кун тартиби тасдиқланди:

1. Аҳолига медицина хизмати кўрсатишнинг аҳоли ва уни янада яхшилаш чоралари тўғрисида.

2. Мақтабнинг турмуш билан боғлиқлигини мустаҳкамлаш тўғрисида ва Ўзбекистон ССРда халқ маорифи системасини янада ривожлантириш ҳақидаги Қўнуннинг республика мақтабларида амалга оширилиши тўғрисида.

3. Ўзбекистон ССР меҳнаткашлар депутатлари област, шаҳар, район, посёлка, қишлоқ ва овул Совети депутатини қачириб олиш тартиби тўғрисидаги Қўнуннинг лойиҳаси тўғрисида.

4. Олий Совет Президиуми Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Сессия ишнинг регламенти тасдиқланди.

Кун тартибидagi биринчи масала юзасидан доклад қилиш учун Ўзбекистон ССР Солиқини сақлаш министри депутат Р. С. Соатовга сўз берилди.

Жонажон Коммунистик партияси ва Совет ҳукуматининг бутун фаолияти, дейди депутат Р. С. Соатов, халқнинг фаровонлиги тўғрисида, унинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини максимал даражада қондириш ҳақида катта гаммурий қилиш билан сугорилган. Солиқини сақлашнинг тобора ривожланиб бораётганлиги ана шу гаммурийликнинг ёрдамида амалга оширилди.

Докладчи айтдики, 1914 йилда Ўзбекистонда солиқини сақлаш ишлари учун аҳоли жон бошига 14 рубль тўғрисида айтилган бўлса 1960 йилда бу маблағ 183 сўмга етди. Совет ҳокимияти даврида врачлар сони 102 марта, ўрта медицина ходимлари сони 150 марта кўпайди. 1914 йилда Ўзбекистоннинг ҳозирги территориясида 50 минг кишига бир врач тўғриси келган бўлса, 1960 йилда аса 800 кишига бир врач тўғриси келди. Қасалхоналардаги қойкаларнинг сони 55 марта кўпайди. Совет Ўзбекистонда аҳолига ме-

дрина хизмати кўрсатишнинг шундай хизма-хил даволаш ва санитария хизмати кўрсатишда 150 та сил қасаллиғига қарши, онкология, дерматологика ва кўз қасалликлари диспансерлари бўлиб, хотин-қизлар ва болалар консултациялари, болалар яслилари, туғруқхоналар, курур-санаторий муассасаларининг кенг шохбаси барпо этилди.

Тарихий қисқа вақт ичида вабо, чума, ришта, қайтарма терлама, чечак, безак каби қасалликлар тугатилди, трахома, дифтерия ва кўп қасалликлари бутунлай йўқолиш арафасида турибди. Ўзбекистонда ўлим даражаси революциядан илгариги даврга нисбатан беш баравар қамайди. Тўғилиш ўлишдан 6 марта кўпдир. Шунинг учун аҳолининг табиий кўпайиши ҳақидаги қўнуннинг мамлакатларга нисбатан бизда яхшидир. Умр кўришнинг ўртача узунлиги икки баравардан ҳам зиёдроқ ортди.

Сўнгра докладчи солиқини сақлаш ишлари ривожланишидаги янги кенг иштибоқлар тўғрисида гапирди. Етти йил ичида Ўзбекистон ССР даги фақат даволаш муассасаларидаги қўнунча равишда 37 минг 500 қойка қўйилди, ёки уларнинг умумий сони 80 процент ортди. Республика Солиқини сақлаш министрлиги йўли билан жами 765,5 миллион сўм миқдорда капитал маблағ ажратилди. Бу эса ўтган етти йил ичида сарфланган капитал маблағларига нисбатан тўрт баравар ортиқдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ташаббуси билан жойларда амалга оширилган катта тадбирлар натижасида республикадаги солиқини сақлаш органлари бир ярим йил мобайнидагина 500 дан кўпроқ бино олдилар. Бу эса қойкалар сони 20 мингдан ортиқ кўпайтириш имконини берди. Бундан ташқари республикадаги солиқини сақлаш органлари жуда кўп миқдорда бинокорлик материаллари, юмшоқ инвентарлар, асбобларни қурилишда актив қатнашиш йўли билан бу ишда солиқини сақлаш органларига ёрдам кўрсатишлари лозим. Республикадаги қолхозлар кейинги 8 йил ичида болалар муассасалари ва медицина муассасалари учун 1650 тадан кўпроқ бино қуриб, фойдаланишга топширилди.

Фарғона област, Тўрақўрғон районидagi «Ўзбекистон» қолхозининг аъзолари қимматли ташаббус кўрсатдилар. Бу ерда қолхознинг бўлимас фонди ҳисобига қолхозчиларнинг кучи билан ихтисослаштирилган санитарий қуриди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон территориясида 15 қолхоз шифохонаси бор. Мазкур Андижон областининг илгўр қолхозларида медицина-санитария қисмлари ташкил этилмоқда. Бу қисмлар қолхоз территориясидаги ҳамма медицина муассасаларини бириктириш ҳақида барча медицина ходим-

лари В. Гаганованинг қачирғига қизғин қўшилиб, республиканинг узоқ районларида ишлаш учун жўнаб кетдилар.

Тошкент, Самарқанд ва Андижон шаҳарларидаги олимларнинг бир гуруҳи рестоцикллардан намуна олиб, А. А. Асқаров, Л. М. Исаев, З. И. Умидова, О. Н. Павлова, Л. Д. Васильева, Ш. А. Алимов, Э. И. Отахонов, И. К. Мусабоев, С. А. Масумов сингари йирик олимлар бошчилигида асосий ишлардан бўш вақтларда турли қасалхоналарда беморларга бепул хизмат кўрсатмоқдалар ва кичик медицина ходимларига консултациялар бermoқдалар.

Сўнгра докладчи медицина органларининг соғломлантириш ва санитария-профилактика ишларидаги баъзи қамчиликларга тўхталади.

Биз, дейди докладчи, фабрика-завод комитетларининг ҳукукларни тўғрисидаги сўнгги кўрсатмалар муносабати билан қасаба соғом ташкилотларнинг ёрдами билан меҳнат шартини яхшилаш тадбирларини амалга оширилишига эришмоғимиз керак.

Ихтисослаштирилган врачлик ёрдами кўрсатишнинг ҳар томонлама кенгайтириш, бу ёрдамни қолхоз далалари меҳнаткашларига янада яқинлаштириш бўйича қишлоқ солиқини сақлаш органлари олдида катта вазифалар турибди. Район қасалхоналарини тобора кенгайтириш ва мустаҳкамлаш зарур. Район қасалхоналари қишлоқларда ҳамма медицина-санитария хизматиға раҳбарлик қилишнинг чинакам маркази бўлиб қолиши керак. Маҳаллий Советлар, республикадаги солиқини сақлаш органлари ва муассасалари ҳамма район қасалхоналаридаги қойкалар сони 10—20 тага етказиш чораларини кўришлари керак. Уштан қасалхоналарини кенгайтириш соҳасида ҳам кўп иш қилишимиз керак. Қолхозлар қасалхона бинолари қурилишда актив қатнашиш йўли билан бу ишда солиқини сақлаш органларига ёрдам кўрсатишлари лозим. Республикадаги қолхозлар кейинги 8 йил ичида болалар муассасалари ва медицина муассасалари учун 1650 тадан кўпроқ бино қуриб, фойдаланишга топширилди.

Фарғона област, Тўрақўрғон районидagi «Ўзбекистон» қолхозининг аъзолари қимматли ташаббус кўрсатдилар. Бу ерда қолхознинг бўлимас фонди ҳисобига қолхозчиларнинг кучи билан ихтисослаштирилган санитарий қуриди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон территориясида 15 қолхоз шифохонаси бор. Мазкур Андижон областининг илгўр қолхозларида медицина-санитария қисмлари ташкил этилмоқда. Бу қисмлар қолхоз территориясидаги ҳамма медицина муассасаларини бириктириш ҳақида барча медицина ходим-

лари қолхоз ҳисобидан таъминланади ва медицина бинолари қолхоз томонидан сақланади.

Бирок, қишлоқ районларида яшовчи аҳолининг соғлигини сақлаш соҳасида ҳали жуда кўп қамчиликлар бор, дейди докладчи. Жумладан, қишлоқлардаги медицина муассасалари врачлар билан, айниқса медицинанинг айрим соҳалари бўйича врачлар билан тўла таъминланмаган. Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ва солиқини сақлаш органлари врачларга зарур уй-жой ва ишлаб чиқариш шартлари яратиб бermoқдалар.

Докладчи хотин-қизлар ва болалар даволаш-профилактика хизмати кўрсатишнинг яхшилаш тадбирларига алоҳида тўхталиб ўтди. Мақтабча ёшдаги ва мактаб ёшдаги болаларни жисмоний жихатдан тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу соҳада республикада анчагина иш қилинмоқда. Болалар санаторийларининг ихтисослаштирилган шохбаси бор. Бундан ташқари ба фасида пионер лагерлари ва болалар майдончалари ташкил этилмоқда. Республикадаги қолхозларнинг 1958 йилдан бошлаб ўз мавқалари ҳисобига пионер лагерлари ташкил қилишга киришганилари қувончлидир. Ҳозирги вақтда 60 та қолхоз ва қолхозро соғломлантириш муассасалари бор. Лекин болаларни соғломлантириш муассасаларини мавжуд шохбчалари ҳали етарли эмас. Бу соҳада Сурхондарё, Фарғона ва Самарқанд областлари қолхозларининг раҳбарлари орқда қолмоқдалар.

Докладчи меҳнаткашларнинг оммавий дам олишнинг уюштириш ҳақида гапириб, шаҳарлар теаваригада қимматли ташаббус қилишлари, ишлаб чиқилган маҳсулотни турист базалари, альпинист лагерлари ва бошқалар кам ташкил этилганлигини кўрсатди. Ҳўбонки, Тошкент, Самарқанд, Бўхоро областларининг Фарғона водисидagi тоғли массивлар, ўрмонзорлар билан қопланган ҳудудларда даралар, мевали дарахтлар бoй заманвор подилар, Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Чирчик, Охангароннинг сув ресурслари ва бошқа қўнғина сувий сув омборлари ҳамда каналлар республикада яқин йиллар ичида санаторийлар, дам олиш уйлари, шохбчаларини кенгайтириш билан бир қаторда меҳнаткашларнинг оммавий дам олишлари учун яқин дачалар вужудга келтириш имконини ҳам беради.

Ўзбекистон Медицина, Ходимлари, деди депутат Р. С. Соатов докладчининг охирида, совет, қасаба, соғом, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг ёрдами ҳамда аҳоли кенг табақаларининг актив иштироки билан халқ соғлигини сақлаш ишларини яқин йиллар ичида янада юксак даражага кўтарилди ҳамда ўларнинг бутун куч ва билимларини коммунистик жамият қураётган халққа хизмат қилишга аямий сарф қилдилар, деди.

Депутат Соатов докладчи юзасидан ҳамда барча медицина ходим-

ВЦСПСнинг бешинчи пленуми

28 июлда Москвада Союзлар уйининг Колонна залида ВЦСПС нинг бешинчи пленуми очилди. Кун тартибида партия XXI сессиянинг саноат, транспортни ривожлантириш ва фан ҳамда техниканинг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳақидаги қарорларини ба- жарош учун меҳнаткашларни сафар- бар қилиш асосидан қасаба соғом ташкилотларининг иши тўғрисидаги

ва КПСС Марказий Комитети июль Пленумининг қарорлари муносабати билан қасаба соғомларининг вазифалари тўғрисидаги масала бор.

Москва шаҳар қасаба соғомлари советининг раиси В. И. Крестянинов, Свердловск област қасаба соғомлари советининг раиси А. И. Биков, Латвия қасаба соғомлари республика советининг раиси В. А. Блюм биринчи бўлиб доклад қилдилар. (ТАСС).

Республика партия ташилотти ақтиви йиғилишида

Республика партия активи КПСС Шарқазий Комитети июль Пленуми дардорларидан руҳланган Ўзбекистон коммунистлари, бarchа меҳнаткашлари ўз сафарларини жонанж Коммунистлар партия теваратидан тағинам аниқроқ жинслатадиладилар, бугун куч ва тайратларини етти йиллик гошпириқларини муудатидан илари бажаришга сафарбар этидилар, реб қаттиқ ишонч билдирди.

Китоб савдоси ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши ўз ишини тамомлади

Китоб савдоси ходимларининг Бутуниттифоқ кенгаши Москвада тўрт кун давом этди. СССР Маданият министри ва Центросоюз томонидан қабирилган бу кенгаши ишида иттифоқчи республикаларнинг маданият министрлари, кинототролар ва матбуот соҳаларининг раҳбарлари, нашриётлар ва кинотўғоначилар қатнашди. Улар мамлакатнинг ҳамма қисмларидан келдилар.

Кенгаш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг «Китоб савдосининг аҳоли ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарорини бажариш соҳасида ўз олдларида турган вазифаларни муҳакам қилдилар.

Мамлакатда ҳар кун 190 миллион 3 миллион нуска китоб чикарилади. Бу китобларни 50 минг сотувчи тарқатмоқда, уларга китоб дўстларининг гоҳ катта армияси — китоб тарқатувчи кўнгилли жамоатчилар ёрдам бермоқда. Аҳолига ва кутубхоналарга босма маҳсулот сотиш йил сайин кўпаймоқда.

Кенгашда аҳолининг талабини ўрганиш ва китоб фондларини тузиш, китобни пропаганда ва реклама қилиш, қишлоқда китоб тарқатишни яхшилаш, китоб савдоси-

да мавжуд намчиликларни тўғатиш масалаларига катта эътибор берилди.

28 июлда охириги мажлисда КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Маданият министри Е. А. Фурцева нутқ сўзлади.

У КПСС Марказий Комитетининг кенгаш қатнашчиларига юборган табригини ўқиб эшиттирди. Залдагилар табрикни гулдўрос қарсақлар билан кутиб олдилар.

Кенгашда китоб савдоси, нашриётлар ва полиграфия ходимларига, барча китоб дўстларига қарата мурожаат қабул қилинди. Мурожаатда КПСС Марказий Комитетининг «Китоб савдосининг аҳоли ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида»ги қарори партиянинг халқ бахт-саодати ва унинг маънавий эhtiёжларини қондириш ҳақидаги ғамхўрлигининг ёрқин ифодасидир, деб таъкидланади.

Кенгаш қатнашчилари, дейилди мурожаатда, КПСС Марказий Комитетининг таърифини эътибор билан ва фахрланиб кутиб олдилар. Улар барча китоб ходимларини партиянинг уларга совет китобини пропаганда қилиш ва тарқатишдек юксак ва олжановор ишни топшириб кўрсатган ишончига муносиб бўлишга чақирадилар. (ТАСС).

Жўшқин қалб эгалари

Серикбой Исҳоқов карта ўртасидаги ёлғиз оёқ йўлдан борар экан, ўзи экиб, ҳамкорликда парварिश қилган маккажўхорида ҳавас билан тикиларди. Меҳнатларимиз зойе кетмапти, ҳасидан ўтказди у. Одамнинг бўйини кўмиб юборапти, ҳа дейди думбўл сўтаси ҳам етилиб қолади, силос бостирадиган ерларни тайёрлашни тезроқ тугаллашимиз керак. Серикбой пешонасидаги маржон-маржон терларни даструмоли билан артли. У ҳасилларга берилиб кетиб шийпона етиб келганини ҳам сезмай қолди.

Дала шийпони атрофи қуюқ дархатлар билан ўралган салқин ерга жойлашган. Шийпон олдидаги ховузда сув лимимол тўлиб турди. У шунчалки тийиқли, ер тагидаги балчиқлар ҳар замон ялт-ялт этиб кўзга ташланади. Ховуздан чиқаётган сув шийпон ҳовлисининг қоқ ўртасидан иккига бўлиниб пастга томон жилдираб оқмоқда. Ҳаммаси сув сепиб озода қилиб супурилган, гоҳ салқин ва оромбахш жой бўлади.

Серикбой тўғри бориб скамейкага ўтирди. Стол устига териб кўйилган бромалардан бирини олиб барақдай бошлади.

— Ҳорм Серикбой, — деган овоз уни ховуз томонга ўтириб қарашга мажбур қилди. Бу Раҳимбой ота Вадалов эди. Ота иккита қизил уруғ қовунини сува солар экан, гап ташлади.

— Мана ўзимиз эккан қовунига ҳам оғзимиз тегди, — деди у.

— Ҳали шундай денг, барақдайла, ҳаммадан олдин сизнинг меҳнатингиз меъасини тоғиб кўрар эканмиз-да, — деди хурсанд бўлиб Серикбой.

— Ҳа, ўғлим қаловини топсанг қор ёнади деганидек, ҳамма гап ишловга боғлиқ. Парварিশини ўрнига келтирибмизки, ҳосилимиз шунчалки эрта пишиб етилибди. Ота шу гапларни айтар экан, овқат пишириладиган томонга юрди. Қозонда ёғлик шўрва бақирлаб қайнамоқда.

— Келинг отахон, — деди ошпаз очиқ чехра билан.

— Овқатнинг тайёр бўлиб қолди-ми? — деди ота, — иштахалар қарнай.

— Тайёр, отахон, — деди ошпаз. — Ўтиринг, ҳозир сузиб, элтиб берамиз.

Шу пайт бригаданинг бошқа аъзолари Абдуҷамил, Акбарлар ҳам етиб келишди.

— Роса кун қизилтаътим, — деди рўмолчаси билан юзларидан терини артар экан Акбар.

— Э, ўғлим, кўрайсанку, қозон-меҳнат қилди, 60 гектардан ортиқ ерда қайталан бот тилланди, юз гектарлаб янги ёрлар барпо қилинди. Бу нисда унга Холмқ Самарлов, Жалил Сандов сингари тажрибасизлар актив ёрдам бердилар. Мана ҳозир буларнинг қўли билан эккан дарахтларда ҳосил мўл. Аҳолини мева, узум билан таъминлашдек шарофатли ишга овланган ботбонлар тинмай меҳнат қилмоқдалар.

— С. ЯХИИ, Оржоникидзе району.

БОҒБОН

Область районларида силос бостиришининг бориши тўғрисида 1960 йил 29 июлгача бўлган

МАЪЛУМОТ

(Берилган топшириқда нисбатан процент ҳисобида)

Районларнинг номи	Планнинг бажарилиши	Районларнинг номи	Планнинг бажарилиши
Қўйи Чирчиқ	14.4	Гулистон	3.9
Янгйер шаҳри	13.2	Янгйул	3.8
Оққўрғон	11.5	Сирдарё	2.3
Чиноз	8.8	Пискент	1.7
Ўрта Чирчиқ	8.3	Оржоникидзе	1.4
Оҳангарон шаҳри	6.8	Бўстонлиқ	1.0
Бекобод	6.2	Калинин	—
Бўка	5.2	Олмалиқ шаҳри	—
Юқори Чирчиқ	4.2	Область бўйича	5.6

Чўлда нақ чиқарганлар



Ўртоқ Н. ИZZОДШОВА,
Сирдарё районидagi Ленин номли колхозининг раис.



Ўртоқ Х. РУСТАМОВ,
Сирдарё районидagi Қўйишев номли колхозининг бригадир.



Ўртоқ Ғ. ЮНУСОВ,
Гулистон районидagi Ленин номли колхозининг бригадир.



Ўртоқ Н. БЕКИРОВ,
Янгйер шаҳридаги 2-«Боевут» совхозининг бригадир.



Ўртоқ Ш. БОЗОРОВА,
Янгйер шаҳридаги 1-«Боевут» совхозининг бригадир.

ҒАНИШЕР ВА УНИНГ ИЗДОШЛАРИ

Миразҷўлимизни энди келиб кўринг. 10—15 йил илгари унинг гўёҳи чўларини, ҳувулаган тепаликларини кўргандирсиз. Энди жуда ўзгариб кетган. Анорзор, анжирзорларимиз, шаҳар тусига кирган қишлоқларимиз, одамлар билан ғажув парк, театрларимиз бор. Сувни симоб, тупроқни олтин қиладиган кишиларимиз бор. Чўлни гулистонга айлантираётган қаҳрамонлар бор.

Ғанишерни эшитгансиз. Чўлга шафқатсиз ҳужум бошлаганларининг бири у. Андижондан келганга 20 йил бўлди. Эҳе, шу 20 йил ичида қанчадан-қанча чўл унинг иродасига тоб беролмай чекниди. Қанчадан-қанча тўғай «оқ олтин» ҳазинасига айланди. Кишиларни айтиш. Биринки мингга, мингники туманга, деганларидей неча-неча кишилар Ғанишердан ибрат олиб, чўл қаҳрамонлари сафига қўшилдилар. Эндиликда Миразҷўлимиз қайси ҳўжалигига борманг, «биз ғанишерчимиз, 50 центнерчимиз» деб меҳнат қиладиган кишиларни учратамиз.

Мисол келтирайлик. Сирдарёнинг раис Назираси, бригадир Ҳакимжон апи-портга таъинлик. Ўтмишда оқ билан қоранинг фарқига етмаган деҳқоннинг қизи Назира энди гигант колхозининг бошлиғи. Кўрагида Олтин Юлдуз яқинлаб турибди. Бунинг ким берган? Халқ, партия, Нима учун? Қўриқ очиб, чўлга «оқ олтин» уруғини соғиб, тер-тўкиб қилган меҳнати учун. Ўтган йили унинг колхози Миразҷўлда рекорд ҳосил берди. Миразҷўр пахтакорлар 40 центнердан хирмон кўтардилар.

Ҳакимжон акачи! У ҳам янги ер очаман, бот кўкартираман деб Фарғонадан келганлардан. Ияпти бутун экан, ҳар йили пахтадан мўл ҳосил олапти. Хирмоннинг каттаси ҳам ўшаники, тўй-мараканинг тўри ҳам.

Гулистондан Сараҳон дегани чиққан. У 2 йил бурун қолхоз партокми эди. Мана энди ўз хоҳиши билан бригадига бошчилик қилапти. Мўлжал 50 центнер. Ўза бўлиқ. Қўрақлар шига-шига. Кўрдингизми, қанақа ажойиб кишиларимиз бор?

Бор-йўғи шуми дурсиз? Унақа эмас. Ўғирнинг Шарофат билан Холбуевни, Тилова ака билан Фарҳонқули, Отамурод Тўраев билан Насиб Бекирови, Қўшқоқ Маҳмамови яна ўнлаб, ўнлаб кишилари бор. Ҳаммаси 50 центнерчи бригадирлар, чўлда чаман яратётган дондор кишилар.

Тилова ака Абдалиевни олдинг. Бригадаси бўйича сизкам 1100 тонна пахта еттиштиришга сўз берибди. Бундан 15—20 йил илгари 3—4 колхоз бирикиб шунча пахта беради. Мана, Миразҷўлимиз, одамларимиз қандай ўзгармоқда!

ЧЕКАНКА СИФАТЛИ УТКАЗИЛМОҚДА

Эрта тонг пайти. Колхозчилар бирин-кетин етиб келиб, ҳар ким бир қаторни тавлаб олиб, чеканка қилишга киришдилар.

Нарини картада гўза култивация қилинмоқда.

— Ҳозиргача, — дейди бригадир Абдуллажон Умурақов, — гўзани беш марта узунасига, тўрт марта қўндалангига култивациядан-чиқардик, уч марта озиқлантирилди ва қондириб сугорилди. Чеканкани 5 августдан кечиктирмадан тугаллаймиз.

Сирдарё районидagi Қўйишев номли колхозининг бу комплекс механизациялаштирилган бригадасида дала ишлари кундан-кунга қизитилмоқда.

О. КУРБОНОВ.

КОЛХОЗЧИЛАР МИННАТДОР

Ўрта Чирчиқ районидagi Круцкая номли ўрта мактабнинг 5—8-синф ўқувчиларининг қўнчилиғи ёғги қаниқуни Карл Маркс номли колхозда ўтказиб, комсомол-ёшлар бригадасига яқиндан ёрдам бермоқда. Улар колхозининг 177 гектар еридаги гўзани сифатли чеканка қилишни ўз зиммаларига олдилар. Ёш пахтакорлар шу кунгача 70 гектардан ортиқ ердаги гўзани чеканкадан чиқардилар.

Ўқувчиларнинг бу ҳимматида колхозчилар мамнун бўлмоқдалар.

Н. БАҚАШЕВ.

МЕХАНИЗАЦИЯ ТУФАЙЛИ

Ҳамма ерга квадрат-уялаб чигит экилган эди. Об-ҳавонинг ноқулай келиши уруғини унириб олишни қийинлаштирди. Лекин мўл ҳосилга астойдил бел боғлаган кишилар зарур тадбирларни амалга оширишга киришдилар. Чигит униб чиққан дастлабки кунлардан оқ узунасига ва қўндалангига култивацияга эър берилди. Айрим карталар қўшимча озиқлантирилди. Натижада чигит текис ундириб олинди.

Гап «Миразҷўл» совхозининг 2-бўлимига қарашли ўртоқ Раҳматилла Холназаров бошлиқ бригадаси устида бормоқда.

Бригада ишчилари амалга ошираётган тадбирлар самарали натижалар берапти. 130 гектарлик ерда яшии квадратлар кундан-кунга мўл ҳосил тўпаламоқда. Шу нунга қадар гўзига беш марта узунасига ва қўндалангига култивацияга эър берилди. Бу иш шу кунларда ҳам қизгин давом эттирилмоқда. Анорбой Тўраев, Сотиболди Акбаров каби механизаторлар кунига 10—12 гектар ерга ишлов бермоқдалар. Агрегатларни нисоятда эҳтиётлик билан юргазиб, ҳар тўп гўзани аялаб парварिश қилмоқдалар.

Сугорини ҳам яхши борапти. Маъмир Деҳқонов, Абдулла Ербековлар бу соҳада ўрнат кўрсатмоқдалар. Бу бригада ишчилари ҳар гектар ердан кам деганда 25 центнердан ҳосил топширишга аҳд қилганлар.

Қ. ҚОЗОҚБОВ.

Область районларида чеканка қилиш бўйича 1960

йил 29 июлгача бўлган


МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)


Районларнинг номи	Бир кунда	Ҳаммаси	Районларнинг номи	Бир кунда	Ҳаммаси
Юқори Чирчиқ	10.9	53.4	Бўка	4.1	19.2
Пискент	3.6	42.0	Янгйер шаҳри	5.8	18.5
Ўрта Чирчиқ	7.2	38.3	Бекобод	7.3	17.8
Оққўрғон	6.4	29.7	Янгйул	6.2	11.8
Сирдарё	6.4	29.0	Чиноз	3.63	9.9
Гулистон	5.8	26.2	Оржоникидзе	1.5	4.3
Қўйи Чирчиқ	6.0	19.3	Жами	5.8	24.5



Ўртоқ Х. ТУРАЕВА,
Янгйер шаҳридаги «Фарҳод» совхозининг бригадир.



Ўртоқ М. ОЧИЛОВ,
Бекобод районидagi «Победа» колхозининг бригадир.



Ўртоқ Ғ. СУЯРОВ,
Янгйер шаҳридаги «Коммунизм» колхозининг бригадир.



Ўртоқ А. СИРОЖИДИНОВ,
Бекобод районидagi 2-«Далварзин» совхозининг бригадир.

Дендрарийси